



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
6 октябрь куни Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин
билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари суҳбат аввалида Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи номидан ва шахсан ўз номидан Президент Мун Чже Инни ва дўст корейс элини Корея ташкил топган кун ва анъанавий Чусок байрами билан самимий табриклаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея етакчилари мамлакатларимиз ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик мақомидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва уларни янада ривожлантириш истиқболларини батафсил кўриб чиқдилар, шунингдек, халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Коронавирус глобал миқёсда тарқалишининг кенг қўламли Ўзбекистон — Корея алоқалари учун оқибатларини камайтириш мақсадида турли даражаларда фаол ҳамкорлик ва мунтазам самарали мулоқотни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти пандемияга қарши самарали курашни ташкил этиш, ушбу касаллиқни профилактика қилиш ва даволаш бўйича илғор тажрибани жорий этишга Корея Республикаси томонидан кўрсатилган амалий кўмак учун ҳамкасбига миннатдорлик билдирди.

Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар даражасида яқиндан ўзаро мувофиқлашувни, жумладан, даволаш методикасини такомиллаштириш, вакциналар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишни таъминлаш борасида давом эттиришга келишиб олинди.

Суҳбат чоғида бўлажак олий даражали учрашувларнинг кун тартибини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Президентлар савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик, ўзаро товар айирбошлашни кенгайтириш ва кооперацияни қўллайтириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, жумладан, зарур ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва ишбилармонлик ташаббусларини илгари суришга кўмаклашиш масалаларини кўриб чиқдилар.

Давлат раҳбарлари икки мамлакат ҳукуматларига инвестициявий, молиявий-техник ва гуманитар ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган 65 та қўшма лойиҳани, энг аввало, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси доирасида соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни давом эттириш бўйича топшириқ бердилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари ва банк-молия институтлари иштирокидаги ҳозирги кунда умумий қиймати 4 миллиард доллардан ортиқ бўлган истиқболли лойиҳалар портфелини кенгайтириш юзасидан ўзаро мувофиқлашган чоралар қабул қилинади.

Мулоқот сўнгида Президентлар икки халқ ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталарига асосланган серқирра муносабатларни янада мустаҳкамлаш ҳамда кенг қўламли амалий ҳамкорликни илгари суриш борасида қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, конструктив ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.А

Тараққиёт мезонлари



ҲАРАКАТ, ИҚТИСОДИЁТ ВА ҲАЁТНИ ТЕЗЛАШТИРАДИГАН ЙЎЛ

Сергели — Олмазор метро йўналишида рельсларни ётқизиш ишлари тугатилиб, бекатларда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда

Зафар МАХАМАТОВ,
“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти
бош менежери — бош муҳандиси

Мегаполис шаҳарлар учун транспорт коммуникациясини ривожлантириш орқали аҳоли ва ҳаракатланаётган автомобилларга қулайлик яратиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳри бўлган Тошкентда ҳам Президентимиз ташаббуси билан янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, катта шаҳарни йирик мегаполисга айланишига имкон беради. Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган Тошкент ҳалқа метросининг биринчи босқичи бўлган Дўстлик — Қўйлиқ йўналиши юртимиз аҳолиси, айниқса, ушбу ҳудуд атрофидаги юртдошларимиз учун қулайлик бўлди. Ҳар куни соат 6:00дан 23:00га қадар ҳаракатланаётган метро вагонларида йўловчиларнинг кўпчилигини кўриб, пойтахтимизда метро транспортига талаб юқорилигига яна бир бор амин бўламиз.

▶ Давоми 2-бетда

Қарор ва ижро

**ТАБИЙ ГАЗ
ИСТЕЪМОЛИДА
ЯНГИ ТИЗИМ:
қулай, аниқ ва самарали**



Жорий йил 24 сентябрь куни Президентимизнинг “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мамлакатда табиий газ етказиб беришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш чора-тадбирлари давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан бошлаб юборилган эди. Бу борада кўзда тутилган чора-тадбирлар, жараённинг бориши ҳақида “Ҳудудгазтаъминот” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Баҳодир ЭШМУРОДОВ билан суҳбатлашдик.

▶ Давоми 2-бетда

Кун мавзуси



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЯНГИ ТИЗИМ ВА ЯНГИ МЕХАНИЗМ ЯРАТИЛАДИ

Бу Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Агентликнинг энг асосий мақсадидир

Коррупция — жамият кушандаси. Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Жумладан, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда, “Коррупциясиз соҳа” лойиҳалари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Бугун фуқароларимиз томонидан агентлик фаолиятига доир турли фикрлар билдирилмоқда, саволлар туғилмоқда. Кенг жамоатчилик ўртасида юзага келаётган турфа қарашларга ойдинлик киритиш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал БУРХОНОВ билан суҳбатлашдик.

▶ Давоми 4-бетда

7 октябрь — Халқаро пахта куни

ПАХТАЧИЛИККА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Геномика ва биоинформатика
маркази директори, биология
фанлари доктори, академик**

Юртимиз ғўза майдонларида асосан икки тур — урта толали (Gossypium hirsutum) ва ингичка толали (Gossypium barbadense) ғўза турларига мансуб навлар етиштирилади. Ингичка толали ғўза навлари тола сифатининг юқори экани билан ажралиб турса-да, бироқ унга мансуб ғўза навлари иссиқ иқлимга мослашган ва фақатгина жанубий минтақаларимизда етиштиришнинг имкони бор. Боз устига, ҳосилдорлиги ва толасининг чиқими

Ўзбекистон дунё пахтачилигида ўз ўрнига эга бўлиб, толасининг салмоғи бўйича ҳам етакчи мамлакатлар қаторида туради. Бунга сабаб унинг юз йиллик селекция тарихига, йирик генетик коллекцияга ҳамда етук соҳа мутахассисларига эгаллиги билан изоҳланади.

Ўза, асосан, толаси ҳисобига дунё бозорида харидорғир. Дунё тўқимачилик саноати учун асосий манба ҳисобланади. Пахта толаси ўзининг нафислиги ва ҳаво ўтказувчанлик хусусиятлари, шунингдек, экологик соф маҳсулот экани билан сунъий толаларга қараганда бир қанча афзалликларга эга. Шу сабабли гарчи сунъий тола бозорда мавжуд бўлса ҳам, бутун дунёда пахта толасига бўлган талаб асло камайгани йўқ.

ҳам ўрта толали ғўза навлариникига нисбатан бирмунча пастдир. Дунё пахта хирмонида 95 фоиздан ортиқ улушга эга ўрта толали ғўза навлари ўзининг ҳосилдорлиги, тола чиқимининг юқорилиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Аммо ўрта толали пахта навларининг ҳам ўзига хос камчиликлари мавжуд.

▶ Давоми 3-бетда



Қарор ва ижро

ТАБИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛИДА ЯНГИ ТИЗИМ: қулай, аниқ ва самарали



Бошланиши 1-бетда

— Аввало, дунё миқёсида табиий газ захира-ларининг бугунги манзараси, уни истеъмолчига етказиб бериш тафсилотлари ҳақида маълумот берсангиз.

— Жаҳон ҳамжамияти ёқилғи-энергетика захи-ралари чексиз эмас, деган хулосага келгани ҳеч кимга сир эмас. Мутахассислар фикрича, яқин кун-ларгача табиий газ ақл бовар қилмайдиган даража-да ишлаб чиқарилган ва уни қазиб олиш жараёни ҳам унчалик оғир бўлмаган. Яъни қудуқларнинг чуқурлиги тахминан 1 000-1 500 метрни ташкил эт-ган ва ресурслар табиий равишда олинган.

Ҳозирги вақтда “зангори ёқилғи” конлари 4 000 метрдан кўпроқ чуқурликда жойлашган ва ишлаб чиқариш жараёни кўп ҳолларда механик ёки газ тортиб олувчи ускуналар ёрдамида амалга ошири-лади. Буларнинг барчаси экологияга ва таннархга таъсир этмай қолмайди. Газнинг нархи арзонлиги ҳамда энергия тежамкор технология ва ускуналар-ни қўллагасдан, ўйламай ёқиб юборилиши иқлим ўзгариши, шунингдек, атмосферага чиқаётган зар-рарли иссиқхона газлари миқдори кўпайишининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолди.

Бугунги кунда дунё олимлари бу муаммога ечим топиш ҳақида қайғурмоқда. Ҳозирча энг мақбул йўллардан бири сифатида энергия манбаларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган янги тех-нологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, деб топилмоқда. Бу жараён вақт ўтгани сайин тақомил-лаштирилиб, атмосферага тарқалаётган чиқин-дилар камайишига эришилмоқда. Сарф-харажат-ларни аниқлашнинг асосий кўрсаткичи эса энергия назоратида ишончли ҳисоб юритилишига боғлиқ. Тежамкорликка эришиш ҳамда йўқотишларни ка-майтириш йўлидаги биринчи қадам аниқлик дара-жаси юқори бўлган ҳисоблаш воситаларини жорий этиш эканини энергия етказиб бериувчилар ва ис-теъмолчилар англаб етган. Бундан ташқари, ин-новацион технологиялар асрида ушбу ҳисоб тизи-мини автоном ва реал вақт режимида масофадан бошқариш имконияти мавжуд.

Халқаро амалиётда ўлчаш, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш босқичида инсон омили ва унинг иштирокини минималлаштирадиган тизим-ларни жорий этиш бўйича бой тажриба ҳам шакл-ланган.

— Ўзбекистонда табиий газ етказиб бериш тизими узоқ йиллар модернизация қилинмагани ҳақида кўп гапиряпмиз. Бугун вазият қандай?

— Бу тармоқлар тузилмаси узоқ йиллар модер-низация қилинмагани ҳам бор гап. Шу боис, тар-моқда йўқотишлар кўп эди. Демак, ҳисоб-китобни автоматлаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Мақсадимиз — ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўр-тасида, яъни газ қувурлари ҳамда газ тақсимлаш тармоқлари, истеъмол қилиш жараёнларининг ҳар бирини қамраб олувчи ахлит онлайн тизим яратиш.

Бугун Ўзбекистонда газ етказиб беришнинг янги тизими жорий этилмоқда. Тўғри, бу борада мамла-катда ўтган 10 йилда бир неча уринишлар қилинган бўлса-да, лекин аниқ тизим яратилмади. Бундан эса таъминотчи ҳам, аҳоли ҳам бирдек азият че-кди. Бугун биз бошлаган иш табиий газни назорат қилишнинг автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизи-ми (АСКУГ) деб номланади ва online тартибда ишлайди.

— Янги тизимни жорий этишнинг молиявий, техник ва ижтимоий жиҳатлари ҳақида ҳам тўх-талсангиз. У қандай амалга оширилади?

— Газни бошқаришнинг реал вақт режимида ишлайдиган автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими, аввало, табиий газнинг тўлиқ, аниқ ва ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, шунинг-дек, таъминотдаги йўқотишларни камайитириш, ис-теъмолчиларнинг тўлов маданиятини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда АСКУГ тизимини жорий этиш 5 босқичдан иборат бўлиб, улардан учтаси газотранс-порт тизимига аввалкор таъбиқ этилган. Бунинг на-тижасида табиий газни ташиш ва етказиш назорати таъминланди. Айни дамда “Худудгазтаъминот” АЖ улгуржи истеъмолчилари (юрдик шахслар) ва аҳо-лини қамраб олувчи туртинчи ва бешинчи босқичга чиқмоқда. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижа-сида 3,5 миллиондан ортқ “ақлли” газ ҳисоблагич ўрнатиш режалаштирилган.

Умуман, АСКУГ тизимини жорий этиш вақт ва замон талаби эди. Бунга сабаб ҳўжалик сектори-да бугунги кунда газ истеъмолчиларнинг ўртача 70 фоизига газ ҳисоблагичлар ўрнатилганидир. Уларнинг аксарияти 10 йилдан ортқ вақт давоми-да ишлатилгани, маънан ва жисмонан эскиргани

сабабли ҳисоблашдаги хатоликлар рухсат этилган кўрсаткичлардан ошиб кетади. Бундан ташқари, ай-рим турдаги ҳисоблаш ускуналари эскирган бўлиб, уларга техник хизмат кўрсатиш ҳам ўз-ўзидан тўх-татилган.

Истеъмолчилар тез-тез дуч келадиган яна бир муаммо кўрсаткичлардаги номувофиқлик бўлиб, ҳисоблагичда бошқа рақамлар, биллинг тизимида эса умуман бошқа кўрсаткич туради. Оқибатда эса истеъмолчилар норозилик билдириб, турли текши-рув жараёнлари ва олдинги тўлов қвтанциялари-ни йиғиш, тегишли ташкилотларга бетиним қатнаш ҳамда соатлаб навбат кутишга тўғри келарди.

Албатта, АСКУГ тизимини жорий этиш зарурати, энг аввало, мамлакатда газ истеъмоли ва ҳисобга олишни назорат қилувчи замонавий маълумотлар-ни йиғиш бошқарув тизимининг йўқлигидан келиб чиқмоқда. Шу сабабли газ таъминотчиси ва энер-гия мажмуининг яна бир қатор тузилмалари юзлаб миллиард сўмларни йўқотмоқда. Бундан ташқари, аҳоли орасида истеъмол қилинган табиий газ учун дебитор қарздорлар сони ҳам кўпайиб кетган.

Амалдаги тартибга мувофиқ, истеъмол қилин-ган “зангори ёқилғи” учун тўлов ҳар ойнинг унинчи кунигача белгиланган. Аммо амалиёт аслида ҳам-маси бошқача эканини, истеъмол қилинган ёқилғи учун ҳаддан зиёд катта қарзлар вужудга келаётга-нини кўрсатмоқда.

Табиий газни ҳисобга олишни назорат қилиш-нинг автоматлаштирилган тизимини татбиқ этиш орқали тизимда қарздорлик билан боғлиқ муаммо ва узилишлар вужудга келишининг олдини олиш, йўқотишларни камайитириш ҳамда газдан ноқону-ний фойдаланиш ҳолатлари тўғрисида таъминот-чини огоҳлантиришга эришилади.

АСКУГ тизимини мамлакатимизда жорий этиш билан боғлиқ ишлар “Худудгазтаъминот” АЖ зиммасига юклатилган. Бу жараёни, яъни газ ҳисоблагичларни ўрнатиш, маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш, алоқа линияларини ётқизиш, керакли телекоммуникация мосламаларини ўрнатиш ишларини 2021 йил охирига қадар якунлашимиз керак. Таъкидлаш керакки, “ақлли” ҳисоблагичлар “Худудгазтаъминот” АЖ ҳисобидан бепул ўрнатилади. Бу борада Президентимиз аниқ топшириқлар берди ва уларни сифатли бажариш мақсадида барча туман ҳамда шаҳарлар “қизил”, “сарик”, “яшил” ҳудудларга ажратилган.



“Қизил” ҳудудга 22 туман ва шаҳар қирган бўлиб, уларнинг 3 тасида газ ҳисоблагич ускуналарини ўрнатиш ишлари якунига етмоқда. Натижада 30-35 фоиз газни йўқотиш ёки ўғирлаш ҳолатларига чек қўйишга, истеъмолчилардан тўловларнинг ўз вақтида тушишига ва сифатли хизмат кўрсатишга эришдик.

“Сарик” ҳудудга 131 туман ва шаҳар қиритилган бўлиб, бу ҳудудларда ҳам замонавий ҳисобла-гичларни ўрнатиш орқали мавжуд муаммоларни бартараф этамиз.

Биринчи навбатда, табиий газ истеъмоли ва қарздорлик юқори бўлган “қизил” ҳудудлар қамраб олинади. 4 000 дан зиёд йирик истеъмолчи, газ қўйиш шохобчалари ва ишлаб чиқариш корхона-лари, 850 та иссиқхона ҳам автоматлаштирилган тизимга уланади.

Бу билан газ таъминоти соҳасида жуда муҳим ўзгаришлар кузатилади. Биринчидан, айланма маблағлар танқислиги сабаб модернизация қи-линмаётган тармоқларга кўпроқ маблағ ажратиш имконияти яратилади. Иккинчидан, адолатли тиз-им жорий этилади. Бунда газ ҳақини тўлаган ҳам, тўламаган ҳам хизматдан ҳозиргидек бирдек фой-даланмайди, фақат тўловни амалга оширган ис-теъмолчига табиий газ етказиб берилади.

Албатта, газ истеъмолида юқори аниқликка ҳам эришамиз. Мисол учун, Тошкент тумани Боғбон маҳалласини оладиган бўлсак, ҳар бир хонадонга алоҳида газ ҳисоблагич ва газ мослагич регуля-торлар ўрнатдик. Бу ҳудудда 2019 йилнинг 6 ойида сарфланган газ ҳажминин 2020 йил 6 ойи билан со-лиштирганимизда 33,7 фоиз тафовутни аниқлашга эришдик. Шундай ҳолатлар ҳам кўп бўлганки, дей-лик фойдаланилган 100 куб газдан 33 фоизи кимга кетгани аниқланмаган. Янги тизим билан бу каби ҳолатларнинг олди олинади.

Тизимнинг яна бир афзаллиги уни аҳоли мобил телефони орқали назорат қилиши мумкинлиги-да кўзда ташланади. Яъни истеъмолчи қанча газ сарфлаётгани, қанча пул тўлаётганини кўриб ту-

ради. Албатта, тўловларни мобил телефон орқа-ли амалга оширса ҳам бўлади. Олдинги ҳисобла-гичлар ҳар 4 йилда давлат кўригидан ўтказилар ва бу истеъмолчилар учун ортқча харажат, ортқча ташвиш эди. Янги ҳисоблагичлар 10 йилда 1 мар-та давлат кўригидан ўтказилади ва бу жараён таъ-минотчи томонидан бепул амалга оширилмоқда. Ушбу газ ҳисоблагичлар мазкур соҳадаги энг етакчи ҳисобланмиш Италиянинг “Pietro Fiorentini” компанияси томонидан яратилган “ақлли” (смарт) ҳисобга олиш воситаларининг энг янги авлоди бўлиб, ҳисобга олишда янги авлод технологияла-ри қўлланилади. Жумладан, Tegalnova дастурий таъминоти. Tegalnova томонидан тақдим этилган маълумотларни тўплаш ва ҳисоблагичларни бош-қариш дастурий таъминоти орқали ҳар қандай ERP (Enterprise Resource Planning — корхона ре-сурсларини режалаштириш) тизимига маълумот-ларни тақдим этиш имкони яратилади. Натижалар тизимнинг тўла-тўқис ишлашини, икки томонлама алоқа ва 2G дан Narrowband IoT (NB-IoT) гача бўл-ган мукамал узатиш қобилиятини намойиш этди. NB-IoT технологияси бир қатор илғор хусусиятлар-ни тўлиқ ўзида мужассамлаштиради.

Бугунги кунда табиий газ истеъмолчиларига ўрнатилаётган газ ҳисоблагич “Pietro Fiorentini” компанияси мутахассислари билан ҳамкорлик-да Ўзбекистонда “Техпорак” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Шуни таъкидлаш лозим-ки, “Техпорак” МЧЖнинг таъсисчиси Тошкент шаҳри ҳокимлиги бўлиб, бу ўз навбатида, истеъ-молчи олдида ишлаб чиқарувчи масъулиятини оширади.

— Аҳолини суюлтирилган газ билан таъмин-лашдаги бугунги вазият ҳақида ҳам гаплашай-лик. Бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берсангиз.

— Мамлакатимизда истеъмолчиларни суюлти-рилган газ билан узлуқсиз таъминлаш, газни ет-казиш тизимини автоматлаштиришга катта эъти-бор қаратилиб, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида “Худудгазтаъминот” АЖ то-монидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат миқёсида 3,6 миллион истеъмолчига 4,5 миллион дона маийши газ баллонни орқали суюлти-рилган газ етказиб беришмоқда. Шу тариқа истеъ-молчиларнинг газ баллонлар билан таъминлан-ганлик даражаси 125 фоизга етказилди.

Жамият томонидан соҳанинг ривожини бундан кў-шимча равишда 214 дона вагон-цистерна харид қилиш кўзда тутилган бўлиб, суюлтирилган газ ташиш ойлик ҳажмини 26,5 минг тоннага ошириш режалаштирилган. Бугунги кунда ўртача 37 тонна ҳажмига эга бўлган 15 та вагон-цистерна харид қи-линиб, Навоий кон-металлургия комбинатидан 4 та вагон-цистерна балансга олинди.

Ташиш харажатларини қисқартириш мақсадида суюлтирилган газни Қорақалпоғистон Республика-сига тўлиқ ҳамда водий, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларига умумий ҳажмининг қарийб 30 фоиздан 50 фоизгача бўлган қисминини темир йўл орқали етказиш йўлга қўйилди.

Суюлтирилган углеводород газини ойлик тарқа-тиш қуввати 98,5 минг тоннага етказиш, бунда 4,9 миллиондан ортқ маийши газ баллонни тўлдириш қувватига эга бўлган 79 та газ тўлдириш иншооти (шу жумладан, тизимда 53 та)дан тўлиқ фойдала-нишга эришилмоқда.

Худудларда 7 та газ тўлдириш иншооти фойда-ланишга қабул қилинди, иншоотларга 57 та даража ўлчагич ўрнатилди, 680 погон метр темир йўл таъ-мирланди. Мазкур газ тўлдириш иншоотларининг қувватларини ошириш учун қўшимча 10 та сиғим, 35 дона колонка, 11 та насос, 15 та компрессор ўрнатилди. Натижада ойлик сақлаш миқдори 5,8 минг тоннага ва тарқатиш қувватлари 4,9 минг тон-нага оширилди.

Технологик йўқотишлардаги сарф меъёrlарини қайта кўриб чиқиш натижасида эса йўқотиш кўр-саткичи 1,8 фоиздан 1,3 фоизга камайтирилди. Мавжуд тезкор маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 8 ойида технологик йўқотишлар сарфи 2,4 минг тоннадан зиёд камайишга эришилди, 120 мингта хонадонга қўшимча маийши газ баллонларда су-юлтирилган газ етказиб бериш имконияти яратил-ди. Газ тўлдириш иншоотларига 30 дона замона-вий электрон автотарози ўрнатилиши натижасида қабул қилинган ва тарқатилган суюлтирилган газни автоматлаштирилган тизимга улаш орқали шаффоқликка эришиш юзасидан ишлар олиб бо-рилмоқда.

Шу билан бирга, Фарғона вилояти Олтириқ тўлдириш иншооти ва Самарқанд газ тўлди-риш станцияларида суюлтирилган газни ишлаб чиқарувчи корхоналардан қабул қилиб то истеъ-молчиларга етиб боргунга қадар синов тарика-сида замонавий электрон ускуналарни ўрнатиш орқали автоматлаштирилган тизим жорий этил-моқда.

“Худудгазтаъминот” АЖ ўз фаолиятининг бар-ча жабҳаларини ривожлантириш ва шаффоқлик тамоилини асосида олиб боришга интилкида. Соҳадаги мавжуд камчиликларини яширмай, бал-ки аҳоли билан ўзаро конструктив мулоқот орқали айнан оғрикли масалаларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш, тизимга илғор инновацион технологи-яларни жалб этган ҳолда халқимизни қийнаётган тушунмовчилик ва муаммоларни бартараф этиш, таъминотчи томонидан кўрсатилмаётган сервис хизматлари ва ходимларнинг иш самардорлиги-ни янада ошириш бугунги кун талаби, қолаверса, “Худудгазтаъминот” АЖнинг энг асосий мақсади ҳисобланади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Улуғбек ХОЛБЕЙ суҳбатлашди.

Тараққиёт мезонлари



ҲАРАКАТ, ИҚТИСОДИЁТ ВА ҲАЁТНИ ТЕЗЛАШТИРАДИГАН ЙЎЛ

Сергели — Олмазор метро йўналишида рельсларни ётқизиш ишлари тугатилиб, бекатларда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда

Бошланиши 1-бетда

Шаҳримизнинг катта туманлари-дан бири — Сергели ҳам бугун таниб бўлмас даражада ўзгариб кетмоқда. Бу ерда катта, замонавий аҳоли яшаш мавзеси пайдо бўлди. Охириги 3 йилда туманда 19 минг 522 хонадонли 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топ-ширилди. Намунавий кўринишдаги 26 та маҳалла гузари барпо этилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келиб, жами аҳоли 276 минг на-фардан ошиб кетди.

Сергели тумани пойтахт маркази би-лан, асосан, Янги Сергели қўчаси орқа-ли боғланган. Аҳоли сони ортб бориши эса шундоқ ҳам кўпинча тирбанд, авто-буслар тикилинч бўладиган ушбу кўчага янада қўшимча юклама туширилмоқда. Бу эса туманда истиқомат қилаётган аҳоли учун қўлай ва хавфсиз транспорт-ком-муникация тизимини янада ривожлан-тиришни тақозо этади.

Президентимизнинг 2016 йил 29 но-ябрдаги “Тошкент метрополитени Сер-гели йўналишини қуриш” лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган эстакада шакли-даги ер усти метросининг бунёд этила-ётгани эса ушбу муаммонинг айна ечи-ми бўлиши шўбҳасиз. Бугун нафақат мазкур туман аҳолиси, балки пойтахт-миз, қолаверса, республикамиз аҳоли-си ҳам ушбу йўналишдаги янги метро линияси фойдаланишга топширилиши-ни интизорлик билан кутмоқда.

Умумий қиймати 82,66 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу мегалойиҳада дастлабки қурилиш ишлари 2017 йил бошида бошланган эди. Унинг лойиҳаси “Боштранслейиҳа” акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланган бўлиб, бунёдкорлик ишлари “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Қўприкқурилиш трести” унитар корхонаси мутахассислари томонидан бажарилмоқда.

Лойиҳа “Чоштепа”, “Тошкент ҳалқа йўли”, “Сергели”, “Афросиёб” ва “Қўп-чок” бекатларидан иборат. Бугунги кун-да ушбу объект қурилишида бир минг икки юзга яқин мутахассис ва ишчи-ход-им, жудан ортқ машина ва меха-низмдан фойдаланмоқда.

Эътиборлики, қурувчиларимиз то-монидан ҳозиргача “Чоштепа”, “Тошкент ҳалқа йўли”, “Сергели”, “Афросиёб” ва “Қўпчок” бекатларида асосий қурилиш ишлари якунланиб, сўнгги ташки ва ички қисмларига безак бериш ишлари амалга оширилмоқда. Шу кунгача бе-катлар оралиғидаги 12,8 километрни қисмига икки йўлни пўлат излар тўлиқ ётқизилди.

Таъкидлаш лозимки, “Чоштепа” бе-кати Чилонзор йўналишидаги “Олма-зор” ер ости бекати билан боғланади. Белгиланган лойиҳанинг ушбу мурак-аб ечимини амалга оширишда қурувчи темирйўлчилар катта меҳнат қилишди. Унинг туннель қисми Тошкент метро-политенининг Чилонзор йўналишида-ги “Олмазор” ер ости бекатига уланди. “Чоштепа” янги линиянинг дастлабки эстакада шаклидаги бекати бўлади. Ундан кейин эса “Тошкент ҳалқа йўли” бекати келади. Ушбу йўналиш “Серге-ли”, “Афросиёб” ва “Қўпчок” бекатлари билан яқин топади. Уларнинг барчаси-да асосий қурилиш ишлари тугатилиб,

перронларни пардозлаш, эскалатор ўрнатиш, метро поездлари учун электр тармоғини монтаж қилиш, ёритиш учун коммуникация кабелларини улаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган вақт давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган 1 минг 484 дона темир-бетон балканнинг барчаси ўрнатилди. Шунингдек, 222 дона ри-гел, 223 дона таянч устунини ўрнатиш ишлари ҳам якунига етди. Тажрибали мутахассислар томонидан барпо эти-лаётган барча ер усти бекатларининг безакларида замонавий қурилиш мате-риалларидан фойдаланилляпти. Бекат-ларнинг кириш, чиқиш худудлари қўри-ниши бир-бирини тақорламайди, яъни ўзига хос ва мос, ранг-баранг меъморий ечимлар асосида барпо этилмоқда. Айниқса, перрон қисмига ишлатилган қурилиш маҳсулотлари кўриниши, ран-ги ва турини танлашга, жозибadorли-гини оширишга алоҳида аҳамият қар-атилляпти.

Йўловчилар учун ҳам катта қўлайли-клар яратилиши кўзда тутилган. Хусу-



сан, имконияти чекланганлар учун бе-катлар платформасида хавфсиз тактил плиткалар ётқиизиши ҳамда йўловчи-ларнинг платформаларга кўтарилиши учун замонавий лифт ва эскалатор, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эса замонавий видеокузатув ускунала-ри, IT турникетлар ҳамда электр тежай-диган ёритиш чироқлари ўрнатилади. Мобиль алоқа ускуналари учун электр қувватлагичлар бўлади.

Қурилиш объектиларига сифатли материалларнинг ўз вақтида еткази-лиши бунёдкорлик ишларининг тез ва мустаҳкам барпо этилишига замин яратаяпти. Ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизли-ги қоидаларига ҳамда баландлиқда ишлашда хавфсизлик талабларига тўлиқ риоя этиши ҳам қатъий назор-ратда. Қар бир мутахассис ва ходим коронавирус пандемиясидан сақла-ниш мақсадида санитария ва гигиена талабларига қатъий риоя этган ҳолда ишламоқда.

Сергели метро йўналишида қурилиш ишлари тўлиқ тугатилган, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва Россиянинг “Метровагонмаш” акция-дорлик жамияти ўртасида келишувга кўра, Тошкент шаҳридаги ер усти ме-трополитени учун ҳар бири 4 вагондан иборат метро поездлари олиб келини-ши кўзда тутилган. Ушбу лойиҳа якуни-га етгач 214 та янги иш ўрни ҳам яра-тилади.

Тошкент ер усти ҳалқа метроси ло-йиҳасининг умумий қиймати 422 мил-лион доллардан зиёд бўлиб, уларнинг жами узунлиги қарийб 55 километр, 35 та бекатдан иборат бўлади.

Қарор ва шарҳ



Мамлакатимиздаги ислохотлар институционал ва ҳуқуқий базани янгилаш, изчил ўзгаришларни инобатга олган ҳолда эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган нормаларни бекор қилишни тақозо этмоқда. Қонун ҳужжатларининг тарқоқлиги амалда уларни идрок этишнинг мураккаблигига, ҳуқуқий тафовутлар ва низоларга, ортиқча тартибга солиш ва бюрократияга олиб келади.

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ

ҚОНУНЧИЛИККА ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА?

Алишер КАРИМОВ,
Адлия вазирлиги
Қонунчилик бош
бошқармаси бошлиғи

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ, Президентимизнинг 2020 йил 27 сентябрдаги “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонда миллий қонунчилик тизимини ривожлантиришнинг бир неча муҳим йўналишлари белгиланган.

Биринчидан, ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган нормаларни кенг қўламда қайта кўриб чиқишни ва бекор қилишни таъминловчи “тартибга солиш гильотиnasi” усули тартибга солувчи юкни камайтириш механизми сифатида жорий этилмоқда.

“Тартибга солиш гильотиnasi” усули дастлаб Швецияда бизнесни ривожлантириш ва сармояларни жалб қилишга тўққинлик қиладиган қондаларни олиб ташлаш учун ишлаб чиқилган. Ушбу тамойилнинг асосий гоёси самарасиз, ишламайдиган, ноўрин, шунингдек, қонунчиликка зид бўлган қондаларни аниқлаш мақсадида кўплаб меъёрий ҳужжатларни филътрлаш натижалари асосида тезда қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишдир.

“Тартибга солиш гильотиnasi” усули кўплаб мамлакатларда, жумладан, Италия, Мексика, Жанубий Корея, Венгрия, Россия, Молдова ва бошқа мамлакатларда назорат фаолиятини ислоҳ қилишнинг самарали воситаси сифатида қўлланилган. Хорватияда амалга оширилган “хитроз” (“тез қисқартириш”) ислоҳоти “тартибга солиш гильотиnasi” усулининг сифатли қўлланиши намунаси бўла олади. Мамлакатда мазкур дастур доирасида 2006-2007 йилларда 2683 та меъёрий ҳужжат қайта кўриб чиқилди, шундан 55 фоизи соддалаштиришга тавсия этилди. Ушбу усулнинг қўлланилиши ҳар йили корхоналар ва истеъмолчилар харажатларини 65 миллион долларга камайтирди. Хусусан, ушбу тажриба Жаҳон банки томонидан юқори баҳоланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни инобатга олмаганда) 30 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлиб, шулардан 10 мингтаси 2017-2020 йилларда қабул қилинган. Умумий ҳужжатларнинг аттиги 5 фоизини қонун ҳужжатлари, 95 фоизини эса қонуности ҳужжатлар ташкил этади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони кўп-лиги ва тарқоқлиги, биринчи навбатда, тадбиркорлик соҳасидаги тартибга солиш юки ошишига сабаб бўлади ва бюрократик тўсиқлар, номувоб-фиклиқларни келтириб чиқаради, қонун талабларини эътиборсиз қолдиришга олиб келади.

Шунинг учун эскирган 50 га яқин қарор ўз кучини йўқотган деб топилмоқда. Шунингдек, ҳуқуқнинг ҳақиқий эмас деб топишга тақлиф этилаётган 2 мингдан ортиқ қарори рўйхати шакллантирилган.

Ушбу ҳужжатларнинг бекор қилиниши одамларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир қилмаслигини таъкидлаш зарур. Бекор қилинаётган ҳужжатлардаги нормалар кейинчалик қабул қилинган актларда мавжуд.

Ҳуқуқатнинг ушбу йўналишдаги ишлари давом эттирилади, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар умумий сонининг қарийб 30 фоизини ташкил этадиган, самарасиз, ноўрин ва қонунларга зид бўлганларни камайтириш режалаштирилган.

Иккинчидан, ҳаддан ташқари тартибга солишнинг олдинчи олиш ва қонунчилиқни тизимлаштириш ишларини янада самарали амалга ошириш учун қатор чора-тадбирлар белгиланади.

Олий Маҳлис палаталари, Президент, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг индивидуал ва ташкилий тусдаги ҳужжатларини улар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқлашнинг аниқ мезонларини қонун даражасида белгилаш, янги тахрирдаги қонун ҳужжати ўрнига бир вақтнинг ўзида амалдаги қонун ҳужжати ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи янги қонун ҳужжати қабул қилиш амалиётини жорий этиш ва аввал қабул қилинган бундай ҳужжатларни қайта кўриб чиқишни ташкил этиш шулар жумласидандир.

Шунингдек, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва

дам олиш кунларини кўчириш ҳамда тадбирлар ўтказишни ташкил этиш юзасидан қабул қилинган ҳужжатларини тегишли йил якуни бўйича ўз кучини йўқотган, деб топиш амалиётини жорий қилиш ҳам назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, ишбилармон доиралар ва фуқаролик жамияти институтлари билан онлайн алоқада бўлиш, ўз аҳамиятини йўқотган ва бизнесга кераксиз юкни келтириб чиқарадиган норма ва талабларни аниқлаш мақсадида қонунчиликни тизимлаштириш бўйича ишларни давом эттириш учун очиқ платформа жорий этилмоқда.

Учинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизимлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) киритилди.

Амалдаги қонун ҳужжатларининг таҳлилига кўра, республика миқёсида ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари даражасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ эмас, натижада мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши сезиларли даражада суғлашмоқда.

Фармонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини уларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига киритиш билан тизимлаштириш ҳамда эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни бекор қилиш ташаббуси билан ҳокимликларнинг норма ижодкорлиги фаолияти шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг маълумотлар базасига автоматик жойлаштириш механизмини жорий этиш кўзда тутилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасида ҳокимликларнинг 3 мингдан ортиқ ҳужжати мавжуд бўлиб, экспертларнинг хулосаларига кўра, уларнинг 50 фоиздан ортиғи тизимлаштирилиши ёки бутунлай бекор қилиниши мумкин.

Тўртинчидан, тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳам такомиллаштирилмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш, муаммоларни таҳлил қилиш, уларни ҳал қилиш йўллари, рақобатга таъсир қилиш, янги воситалар ва тартибга солиш қондаларини жорий этишнинг прогнози ва эҳтимолий оқибатларини баҳолаш, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил қилишни таъминлайди.

Ушбу фармон билан Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасидаги махсус ваколатли орган этиб белгиланди. Вазирлик таркибиде Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, вазирликнинг бу борадаги асосий вазифалари ҳам ифодасини топган. Хусусан, давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш, бу жараёнга масъул бўлган давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш бўйича тақлифлар тайёрлаш шулар жумласидандир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ҳамда аниқланган коррупцион омилларни бартараф этишга қаратилган чоралар қўриш ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда коррупциянинг келиб чиқишига шароит яратаятган қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқлар, қондалар ва нормаларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишида коррупцион тусдаги хавфларни таҳлил қилиш ҳам галдаги асосий вазифалар қаторига киритилди.

Бундан ташқари, норма ижодкорлиги фаолиятида фойдаланиш мақсадида барча учун очиқ бўлган халқаро шартномалар талаблари ҳамда халқаро ташкилотларнинг тақлиф ва тавсиялари базаси шакллантирилмоқда.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига фаол интеграцияга киришиш, замонавий дунёнинг бир қисми бўлиш йўлини танлади. Бироқ халқаро шартномаларнинг мажбурий бўлган талаблари базаси бўлмаган тақдирда юқори сифатли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёни янада мурраккаблашади, уларни бажармаслик эса мамлакатнинг обрўсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шундай экан, қабул қилинган чора-тадбирлар мамлакатнинг ишбилармонлик муҳитини, инвестицион жозибдорлигини яхшилаш, ишбилармон доиралар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан қонунчилик базасини соддалаштириш учун самарали ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш имконини яратиши керак.

7 октябрь — Халқаро пахта кун



Бошланиши 1-бетда

Улар гарчи эртапишар ва ҳосилдор бўлса-да, ингичка толали навларга нисбатан бирмунча дағалроқ ва калта толага эгадир. Олимлар ушбу камчиликни бартараф этиш мақсадида ушбу икки турни ўзаро қатиштириш орқали белгиларни бир ўсимликка жамлашга ҳаракат қилишди. Лекин табиатнинг зукколигини қарангки, бу иш улар ўйлагандек бўлиб чиқмади, яъни кейинги авлодларда ота-она формалари яна ажрала бошлади. Бу эса ўзада селекцияси осон иш эмаслигини, олимлардан кучли билим ва малака талаб этишини яна бир бор исботлаб берди.

ПАХТАЧИЛИККА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

ЎЗА НАВЛАРИНИНГ ЁРҚИН КЕЛАЖАГИ

Айни пайтда ҳам тола сифати ва ҳосилдорлиги юқори, эртапишар, касаллик ва зараркунанда ҳашаротларга чидамли, табиатнинг турли ноқулайлиқларига бардошли ўза навларини яратиш долзарб ва ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар сирасига қиради. Охириги йилларда кўп таъкидланганидек, ўза селекциясининг анъанавий усуллари асосида янги навларни яратиш бир мунча узоқ вақт, сарф-харажат талаб этади. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида қишлоқ хўжалиги экинлари селекциясига ДНК маркерлар технологияси, 2000 йилларга келиб эса РНК интерференцияси каби замонавий биотехнологик воситаларнинг жалб этилиши соҳада юқори натижаларга эришиш имконини берди.

Президентимизнинг 2017 йил 10 февралдаги “Геномика ва биоинформатика соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни, шунингдек, инновация ишларни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориде замонавий ген ва хужайра муҳандислиги, молекуляр маркерларга асосланган геном ва виртуал селекция дастурларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиб, атроф-муҳит ва одамлар учун хавфсиз, турли тупроқ-иқлим шароитларига мослашган янги ўсимлик навларини яратиш масаласи белгилан берилган эди.

Ўзбекистонда илк бор Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан ўзада ген-нокаут (РНК интерференцияси) технологияси қўлланилиб, қисқа муддатда тола сифати юқори, узунлиги 38-40 миллиметр ва мустаҳкамлиги 36 гс/текс бўлган, ингичка толали ўза навлариникидай узун ва майин, сув танқислигига, шўрга ва касалликларга чидамли, ҳосилдорлиги оддий ўза навларига нисбатан ўртача 20 фоиз кўп бўлган ўрта толали “Порлоқ” ўза навлари яратилди. Марказ олимларининг қўлга киритган ушбу ютуқлари халқаро миқёсда эътироф этилиб, “генлар фаолиятини ўчириб қўйиш” ген-нокаут технологияси АҚШ, Россия, Миср ва Хитойда патентланди.

Ушбу биотехнологик ўза навлари 2013 йилдан буён юртимизнинг деярли барча вилоятларида етиштириб келинмоқда. Ҳозирда “Порлоқ” навлари фермер хўжаликлари томонидан жами 320 минг гектардан ортиқ майдонда етиштирилди. 2019 йилда “Порлоқ-1” ўза нави биргина Сурхондарё вилоятида 4200 гектар майдонда етиштирилиб, юқори ҳосил олишга эришилди. Фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам ушбу нав Сурхондарё иқлимига жуда мос тушгани, гектаридан 40 центнердан ортиқ ҳосил олинаётганини фахр билан таъкидлашади. Бошқа вилоят фермерлари хусусида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. “Порлоқ” нави пахта толаси юртимизда етиштириладиган бошқа навларга қараганда 12 фоиз қимматроқ нархда баҳолалиб, жаҳон бозорида катта талабга эгалиги билан ҳам ажралиб туради.

Бундан ташқари, марказ олимлари томонидан дунёда биринчи мартаба ўза учун маркерларга асосланган селекция технологияси (МАС) ишлаб чиқилиб, унинг ёрдамида ўзанинг янги серҳосил ва тола сифати юқори “Равнақ-1”, “Равнақ-2”, “Барақа”, “Саховат” ва “Тафаккур” навлари яратилди. Ҳозир

ушбу навларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

ҚУРҒОҚЧИЛИККА, ШЎРЛАНИШГА ВА СОВУҚҚА ЧИДАМЛИ

Иқлимни глобал даражада ўзгариши ер ҳароратининг йилдан йилга кўтарилиб боришига сабаб бўлмоқда ва бунинг натижасида қурғоқчилик ривожланиши ва сув захираларининг камайиши кузатилмоқда. Ўз навбатида, қурғоқчилик бутун дунё бўйлаб қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили кескин даражада камайишига ҳам олиб келмоқда. Ўзбекистон сув захиралари чекланган минтақада жойлашган бўлиб, қурғоқчилик энг долзарб муаммолардан биридир. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги экинларининг сув танқислигига чидамли янги навларини яратиш олимлар олдида турган муҳим вазифа саналади. Бу йўналишда ҳам олимларимиз томонидан ижобий натижаларга эришилди. Замонавий ген-нокаут технологияси ёрдамида қисқа вақт ичида ўзанинг “эскиммо” гени фаолияти сусайтирилиши натижасида бир вақтнинг ўзида қурғоқчиликка, шўрланишга ва совуққа чидамли бўлган янги ўза линиялари яратилиб, ҳозир уларни давлат нав синашига топширилиши арафасида турибди.

Ўза ишлаб чиқарилиши барқарорлигига салбий таъсир этувчи яна бир омил фузариоз вилт касаллигидир. Ушбу касаллик ҳар йили ўза ҳосилини катта миқдорда нобуд



далаларида пайдо бўлади ва Бухоро ва Навоий вилоятларида кенг ёйилган вилт касаллигидан азият чекаётган фермерлар оғирини енгил қилади.

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши, сув манбалари камайиши, экин ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви пахта майдонлари қисқаришига сабаб бўлмоқда. Бу эса пахта етиштиришда янгила ёндашувларни қўллашни талаб этмоқда. Охириги йилларда замонавий “Омикс” технологиялари ютуқлари умуман янги бўлган, персоналлаштирилган қишлоқ хўжалиги йўналишини ривожланишига олиб келди. Бу бўйича тадқиқотлар Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан биринчилардан бўлиб амалга оширилди. Персоналлаштирилган қишлоқ хўжалиги концепциясига кўра, экинларни, айниқса, ўзани етиштиришда тупроқ-иқлим шароитлари, ҳарорат ва сув режимлари, ўғитларга бўлган талаби, турли биологик ва кимёвий таъсирларга жавоб реакциясини ҳамда навнинг генетик потенциалини ҳисобга олиш лозим. Натижада ҳар бир нав учун ўзининг индивидуал ўғити, унинг миқдори ва бериш режими, умуман олданда, етиштириш ва мониторинг қилиш технологиялари ишлаб чиқилади. Ҳозир олимларимиз томонидан Сирдарё вилоятининг шўрланган тупроқ шароитида ҳосилдорликни ошириш мақсадида

“ПОРЛОҚ” НАВИ ПАХТА ТОЛАСИ ЮРТИМИЗДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН БОШҚА НАВЛАРГА ҚАРАГАНДА 12 ФОИЗ ҚИММАТРОҚ НАРХДА БАҲОЛАНИБ, ЖАҲОН БОЗОРИДА КАТТА ТАЛАБГА ЭГАЛИГИ БИЛАН ҲАМ АЖРАЛИБ ТУРАДИ.



бўлишига олиб келади. Бу борада марказ томонидан кенг қўламдаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижада янги технологиялар ёрдамида яратилган, фузариоз вилт касаллигига чидамли бўлган “зирҳланган” ўза навлари яқин йилларда юртимиз

“Порлоқ” ўза навларида мамлакатимизда яратилган биостимуляторлар, биоўғитлар ва ҳимоя воситалари орқали персоналлаштирилган қишлоқ хўжалигини қўллаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар довомида ўза навиға ишлов берилган воситаларнинг таъсир механизмлари молекуляр жиҳатдан чуқур ўрганилмоқда. Тадқиқотлар натижасида биостимуляторларнинг ўзанинг қайси генларига таъсир этиб, хужайрадаги қандай жараёнларни ўзгаришига олиб келиши тўғрисида маълумотлар олинади. Бундан ташқари, турли биотик ва абиотик стрессларга алоқадор бўлган генлар аниқланади. Натижада ўза навларини етиштириш бўйича янги, замонавий геномика фани ютуқларига асосланган агротехнологик тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ҳозир марказ олимлари замонавий геномика ва молекуляр биотехнология усуллари ёрдамида қишлоқ хўжалиги экинларининг экологияда кузатилаётган салбий ўзгаришларга мослашган навларини яратиш ҳамда экологияни яхшилайдиган технологияларни ишлаб чиқариш устида ишламоқда. Ҳукуматимиз томонидан фаннинг ривожланиши учун қўрилаётган чора-тадбирлар аста-секинлик билан ўз самарасини бермоқда. Замонавий асбоб-ускуналар, керакли реагентлар билан таъминланган марказ олимларининг ҳам келажақ режалари улкан.

A close-up photograph of a person's hands writing in a notebook. The person is wearing a white long-sleeved shirt. They are holding a dark pen in their right hand and writing on a white page. Their left hand is resting on the notebook. The background is blurred, showing what appears to be a desk with various items.

Улуғбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугуннинг гапи

МАТБУОТ — МАЪНАВИЯТНИНГ ТАЯНЧИ, ЮКСАК ТАФАККУР МАҲСУЛИ

Давлатимиз раҳбарининг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи ўзининг кўлами, мазмун-моҳияти, дастурийлиги жиҳатидан юксак даражадаги нутқ бўлди. Нутқда, айниқса, педагогларнинг билим ва маҳоратларини ошириши учун соҳага доир газета ва журналлар, методик қўлланмаларнинг ўрни беқиёс эканига алоҳида эътибор қаратилди.



Сайди УМИРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби

Таълим соҳасида кўп йиллар фаолият юритган тажрибали педагог сифатида Президентимизнинг: “Афсуски, биз кейинги йилларда “мажбурий обуна” баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мактанадиган бўлдилар”, деган сўзларига жавобан ич-ичимдан бир акс-садо кела бошлади.

Дарҳақиқат, ўқитувчи жуда кўп маълумотга эга бўлиши керак. Ундан юзлаб, керак бўлса, минглаб эртанимиз эгаларини ҳаётга тўғри йўналтириши учун ишончли, асосли маълумотларга эга бўлиш талаб қилинади. Зеро, ҳамма аддасха ҳам ўқитувчи аддасхамизга ҳаётини қандайдга айланган. Ижтимоий тармоқлардаги ҳамма маълумотлар ҳам расман тасдиқланган, асосли бўлавермайди. Шу маънода ҳам таълим нашрлари, методик қўлланмалар ўқитувчилар учун муҳим манба ўрнида хизмат қилади.

Нутқда, шунингдек, компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири сифатида Япония мисол қилиниб, мазкур мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига эътибор қаратилгани интернетни “ягона”, “ҳолис ахборот манбаи”га айлантириб олганларнинг маънавий даражасига берилган баҳо бўлди, назаримда.

Столим устидаги “Маънавий ҳаёт” журнаlining қатор сонларини варақлаб, олти йил муқаддам хурсандчилик билан кутиб олган, 3-4 минг нусхада чоп этилган мазкур журналнинг бүгун 1000 нусхада тарқатилётганидан ачинай кетдим.

Мазкур нашр ишончли оқлаб, ўз вазифасини яхши бажариб келди, келяпти ҳам. Яшириш не ҳолат, моддийат билан маънавият орасида узоклашши, узилиш пайдо бўлаётгани, оммавий маданият руҳиятимизга таҳдид солаётгани, яна қанча-қанча нохушликлар учраётгани бор гап. Шулардан келиб чиқиб, 34 миллионли халқ учун 1000 нусха жуда ҳам эмасми, у ҳам керакли жойга вақтида етиб бораётими? Бошқа журналлар, газеталар ҳам шу муаммо гирдобда.

“Мажбурий обуна” деган сўздан вирусдан чўчигандай хавотир оладиган ҳолга келдик. Наҳотки, кўплаб лойиҳалар, қўрилишларга миллионлаб, миллиардлаб пул сарфлаётган танти тадбиркорларимиз нашрларнинг моддий аҳолини яхшилаш, ададини кўпайтириш, қалам ҳақини ошириш имкониятини топа олмасалар? Мамлакат тарихи, тараққиётининг соломачилари, тадқиқотчиларга асосий материал берадиган босма нашрлар-ку?

Нашрнинг олти ярим йиллик таҳлама-ларини кўздан кечирганимда математика, физика, астрономия, биология, тарих, тил, адабиёт, санъат, экология, маданият муаммоларига оид материаллар кўпроқ берилганига ишонч ҳосил қилдим. Шаҳноза Рафиеванинг мақола, суҳбатларини ўқиб, юртимиз олимлари ҳам

фан, техника тараққиётдан бир чеккада турмаётганидан хурсанд бўласиз. “Илм нурдир, саодатга элтур” мақоласида ЎзФА академиги Толиб Мўминов илмий гуруҳи фаннинг кўзгули қайтиш ҳодисаси — гамма оптикиси деб аталувчи янги йўналишни очиши ва бу ҳодиса келажақда янги типдаги гамма линза, гамма телескоп, гамма микроскоп ва бошқа турдаги қўрилмалар яратилишига олиб келиши мумкинлигини айтади. Тоza энергия ишлаб чиқариш муаммосига тўхталиб, АЭС ишлаши натижасида юқори радиоактивликка эга жуда кўп чиқиндилар ҳосил бўлишидан огоҳлантиради. “Заррадан то коинотга қадар” суҳбатидан бир қатор халқаро грантлар соҳиби, Ҳиндистон, Италия ва бошқа мамлакатларда ҳам маълум профессор, фан доктори Бобомурод Аҳмедов фазо илмининг бугунги аҳоли ҳақида гапириб, Самарқанд кичик сайёраси кашф этилгани, ЎзМУда Астрономия ва аэронавтика боғи ҳамда планетарий, ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби қурилатгани ва бошқа ютуқларни мамнуният билан қайд этиб, айна чоғда ўзбек астрономия фани жаҳонда 56-ўринда экани, янада олдинга чиқиш имконияти борлиги, муаммолари ҳақида гапиради.

Шунингдек, журнал кўҳна, бой адабиётимиз, маданиятимиз, маърифатимиз муаммоларини, етук намоёнларини ижоди, фаолияти, бадий маҳоратини янгича усулда, йўлини, қаловини топиб ёритиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Маънавият мавзусидаги мазмундор, мароқли материалларнинг барини санаш кийин. Бу борада таниқли публицист А.Эгамназаровнинг беш фарзандини фронтга кузатиб, баридан қора хат олган, метин ирродали, заҳматкаш, фидойи аёл Зулфия Зокировага бағишланган “Матонат мадҳияси” очеркни, Н.Эшонқул ва Ш.Ризаевнинг “Инсон муаммоси...” мавзусида маънавиятнинг долзарб, оғриқли муаммолари хусусида қилган қамровли, теран суҳбатини, нуктадон публицист М.Намознинг “Қўтлуг қон” романи ва бугунги кундаги воқеалар қиёслаб ўранилган “Фитратимиздаги қайдиқлар”, Миртемири улуғовчи “Сабрнинг туби тешиш косаси” мақолаларини, Н.Каримовнинг “Яқин юлдузлар шўъласи” дилномасини, О.Тошбоевнинг “Бой берилаётган ҳазиналар” танқидий чиқишини, яна уч-тўрт публицистик биттикларни синчиклаб ўқишни алоҳида тавсия этган бўлардим.

“Маънавий ҳаёт” — истиқлол даври нашрларидан. Унинг муҳим вазифаси икки тузумни қиёслаб ўрганиш, мустақиллик маданияти, маърифати кўзгуси, тарғиботчиси бўлиш, мустабид замонлардаги зулм, адолатсизлик, ҳўрлик, қадриятларга белисандиликлар бугунги авлод учун эртақ эмаслигини фожеавий воқеалар, ўжар далил, мисоллар билан кўрсатиш, ишонтиришдан иборат. “Босқинчиликми, босмачилик?”, “Эътиқод топталса, инсон хўрланар”, “Ой чиқмаган оқшомлар”, “Ойим момонинг сигири кимники эди?”, “Пахтага ўраб отилган тошлар”, “Ёлғонларда ёнган ёшлигим” сарлавҳалари ҳам ўткирлиги, оғриқлигидан далолат бериб турган бу дардли мақолалар ёш, умидли публицист Азим Рўзиев қаламига мансуб. И.Жўраевнинг “3630 кун: зулмат ичидаги нур” мақоласи ҳам юракни зирқиратадиган даражада таъсирли.

Газета, журналларимиз йиллар давомида, қамроқ бўлса-да, ишни ўнглашга, нуқсонларни йўқотишга қаратилган танқидларни бериб, айрим истисноларни ҳисобга олганда, инсон шаънини ҳақорат қиладиган материаллардан тийилиб келаётганди-ку. Мана, ижтимоий тармоқлар, блогерлар кўп газета, журналларимиз истихоло қилиб, чўчиб беролмаётган танқидларни қўрмай, баралла беришяпти, одамлар дардини эшитишяпти, адолатни тиклашга ҳисса қўшишяпти, қандини урсин. Фақат яхши ишлар, бунёдкорликка қамроқ эътибор қаратиб, негатив факт, ҳолатларга ургу беришяётгани, сўз, тасвирларда баъзан одоб-ахлоқ доирасидан чиқиб кетилиб, тарозининг икки палласи бирдек тугтилмаётгани кишини ўйлантиради. Жин аллақачон кўздан чиқиб кетгани, сунъий йўллар, тазйиқлар билан танқидни тўхтатиб бўлмаслиги-ку рост, лекин бу — озгиза келганини айтиш, беҳаё сўйиш ҳақоратлардан тап тортмаслиги, виждон овозига қўлоқ солмаслиги дегани эмас.


Оптимиш йилдан бери қалам чекиб, эллик уч йилдан бери журналистларга сабоқ бериб келаётган инсон сифатида бугунги кунда матбуотимиз тараққиёт босқичида дейишга, рост, истихоло қилдим. Нашрларнинг адади кескин тушиб кетди, айримлари анча муддат қиймай қолди, медиа сир-асрорларидан анча узоқ айрим кишиларнинг “босма нашрлар умри тугаётди”, асосий иш электрон воситалар зиммасида” маъносидаги қароматлари хом гап бўлди. Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, “ҳаётимизда радио, телевидение, интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор!” Бўлганда ҳам, муқобиллиш ҳам у беқиёс!!!

Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, “ҳаётимизда радио, телевидение, интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор”!



БУЮК МУҲАДДИСЛАРИМИЗНИНГ БЕБАҲО МЕРОСИ

Ҳадис илми мактабида толиби илмларга чуқур ўргатилмоқда



Мухаммадшокир НАСРИДДИНОВ, Ҳадис илми мактабининг 1-босқич талабаси:

— Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган сермахсул ислохотлар нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам фаол қўллаб-қувватланмоқда. Бу ислохотлар, бу ўзгаришлар янги Ўзбекистонни Ренессанс босқичига олиб чиқади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда диний соҳада амалга оширилаётган янгиликлар буюк алломаларимиз меросини илмий асосда чуқур ўрганиш имкониятини яратмоқда. Мана шундай том маънодаги ислохотлардан бири Самарқандда, Имом Бухорий мақбарасининг ёнгинасида Ҳадис илми мактабининг ташкил этилгани бўлди. Бу ерда яратилган имкониятлар дунёнинг ривожланган давлатлари нуфузли университетларидаги шароитлардан устун бўлса борки, асло қолишмайди. Ҳадис илми мактабида дарслар мамлакатимиз ва хорижий етакчи уламолари томонидан олиб борилади.

Бу йил Ҳадис илми мактаби талабаси бўлдим. Бу мактабда таълим олиш ҳам юксак шараф, ҳам улкан масъулиятдир. Буюк аждодларимизнинг исломий меросини тиклаш, халқимизга етказиш, илм, одоб ва ақл заковатда ўрнат бўлишни зиммамиздаги бурч деб биламан. Менга билдирилган ишончини, албатта, оқлайман.



Азамат УБАЙДУЛЛАЕВ, Ҳадис илми мактабининг 1-босқич талабаси:

— Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Президентимиз томонидан 2017 йил Бирлашган Миллатлар



Азимжон ШЕРМАТОВ, Ҳадис илми мактабининг 1-босқич талабаси:

— Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Ўзбекистонда янги уйғониш

Ташкилоти Бош Ассамблеясида билдирилган долзарб таклифлар амалиётга татбиқ этилгани Ўзбекистон ташаббусларининг нечоғли муҳим ва ҳаётий эканини кўрсатиб беради.

Ана шундай таклифларнинг самарали натижаларидан бири Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисидаги резолюциянинг қабул қилиниши бўлди. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунимизнинг долзарб муаммоси бўлган жаҳолатга қарши курашиш учун, биринчи галда, илм-маърифатни кенг ёйиш, бағрикенглик ғояларини ҳаётга татбиқ этиш, дўстлик ва биродарлик муҳитини янада мустаҳкамлаш лозим.

Самарқандда ташкил этилган Ҳадис илми мактаби ҳам маърифат тарқатувчи муҳим илм маскани экани билан алоҳида аҳамиятга эга. Бу йил саралаш босқичларидан ўтиб, талабалikka қабул қилинганимдан жуда хурсандман. Келгусидаги мақ-

палласи — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётгани, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмаслиги, халқимизнинг онгу тафаккури ҳам кечагидан мутлақо фарқ қилишини қайд этиб, халқимизни бугунги мураккаб даврда келажақка ишонч билан ўз олдига қўйган мақсад сари дадил қадам қўйишга ундади.

Ҳа, Ўзбекистонда янги уйғониш даври бошланмоқда. Мамлакатни янги тараққиёт босқичига кўтариш учун, аввало, янги авлод кадрларини тайёрлаш заруратидан келиб чиқиб, юртимизда янги тоифадаги мактаблар — Президент, ихтисослашган ва ижод мактабларини барпо этиш, соҳа эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини ташкил этишга катта эътибор берилмоқда.

Жумладан, Самарқандда Ҳадис илми мактабининг ташкил этилиши биз, ёшларнинг танлаган мутахассис-

садим аждодларимиз тарқатган ислом маърифатини чуқур ўрганиб, ислом илоҳиёти бўйича етук кадр бўлиб етишишдир. Ҳадис илми мактабида эса бунинг учун барча шароит мавжуд.

Президентимиз 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан тантанали маросимда сўзлаган нутқида “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак”, деб таъкидлади. Шу мақсадда улуғ алломаларимизнинг ибратли ҳаёти ва бой илмий мероси ҳақида оммабоп, халқчил рисоалар тайёрлаш ва халқимизга етказиш лозим.

Биз ушбу таълим даргоҳида ўқиб-ўрганиб, азиз авлиёларимизнинг меросини халқимизга етказишда садоқат билан хизмат қиламиз.

лигимиз бўйича профессионал таълим олишимиз учун катта имконият яратди. Ҳадис илми мактабининг айнан Самарқандда бунёд этилишида ҳам ғоят чуқур маъно бор. Қуръони каримдан кейинги энг ишончли манба бўлиши “Ал-жоме ас-сахих” асари муаллифи, буюк аждодимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Дориллий сингари дунё эътироф этган вақиллари асарларини ўрганамиз.

Албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг замирида “Жаҳолатга қарши — маърифат” ғояси асосида халқимизнинг ён тарихи, илмий, маънавий меросини чуқур тадқиқ этиш, энг муҳими, ислом динининг асл инсонийлик, илм-маърифатга йўрилган моҳиятини етказиш мақсади мужассамдир.

Дил изҳори

ОТАДЕК УЛУҒ, ОНАДЕК АЗИЗ!

Шаҳина ЖЎРАЕВА “Янги Ўзбекистон” газетаси учун махсус (Австрия, Вена)

Бу ютуқлар сизники, устоз!



Диёра ХОЖИБОЕВА, Вена давлат университети талабаси:

— 2018 йили Фарғона шаҳридаги 10-умумтаълим мактабини аъло баҳоларга тамомлаб, Вена давлат университетига ўқишга қабул қилиндим. Ушанда биринчи бўлиб немис тили ўқитувчимиз Юсуф Абдуразоқов ўзида йўқ қувонган, мени дуо қилганди. Устознинг мамнун чехриси ҳали-ҳануз кўз олдимдан кетмайди. У киши хозиргача “ўқувчим Диёрахон Венада ўқияпти”, дея фахрланиб юради.

Рости ҳам шу, бугунгача эришган барча муваффақиятларим устозим берган билим самарасидир. Ишонасизми, ҳозир ҳам бирор масала ечимида иккилансам, ўқишдаги топишириқларни бажаришда қийналсам, Юсуф домла билан боғланиб, йўл-йўриқ, маслаҳат сўрайман. Эринмай, ҳеч оғринмай менга маслаҳат беради, ўша мавзунини тушунтиради. Кейин вазифамни аъло даражада бажариб, эътироф эшитганимдан

сўнг кўнгирак қилиб: “Бугун ҳам сиз туфайли аъло баҳога лойиқ қўрилдим, устоз!” дейман.

Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини университетимиздаги барча ўзбек талабалари биргаликда тингладик. Давлатимиз раҳбарининг сўзларига қўлоқ тутар эканмиз, ҳар биримиз Ўзбекистон фарзанди эканимиздан гурурланидик. Юртимиз ҳаётига алоқадор барча янгиликларни катта кизикиш билан кузатиб бораган, интернет орқали ҳар бир сайтни синчиклаб ўқийман. Яқинда Ўзбекистон олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари натижалари эълон қилинди. Ана шундай янгиликлар сайтида бир хабарга кўзим тушди. Унда айтилишича, Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги бир мактаб битирувчиларининг 100 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга киришга муваффақ бўлибди. Янгиликни ўқиб, талабалик макомига эришган йигит-қизларнинг қувончини, айниқса, улар таълим олган мактабдаги устозлар шодлигини кўз олдимга келтирдим. Ахир ўқитувчи учун шоғирди эришган ютуқни қўришдан ортиқроқ бахт борми?!

Президентимиз табриқда ана шу мактабни эътироф этди, унинг директори номини тилга олди. Биласизми, ўша он ҳудди шу мактаб директори ва устозларидай ўз касбияга садоқатли, заҳматкаш мураббийлар бор юртининг фарзанди эканимдан хурсанд бўлдим.

Энг қадрли айём



Зайнабону ЙЎЛДОШЕВА, Вена давлат университети талабаси:

— Юртимизда 1 октябрь санаси ўқитувчи ва мураббийларимиз байрами сифатида кенг нишонланди. Ушбу ажойиб байрам мен учун ўзгача қадрли. Чунки онам Мухайе Йўлдошева ўзим таҳсил олган мактабда она тили фанидан дарс берган. Оиламизда таълим соҳаси вақили борлиги учун ҳам ўқитувчилик касби қанчалар катта қуч, масъулият, меҳнат талаб қилишини яхши биламан. Мактабдан келганидан кейин онам ўйга берилган вазифаларнинг ҳаммасини тўлиқ бажаришнинг назорат қилиб, кейин ўқувчиларининг дафтарини бирма-бир текширар, алпамаҳалгача

бедор ўтирарди. Лекин ақлимни таниб-мани, онанинг бирор марта касбидан нолиганини эшитмайдим.

Ҳаётимда энг катта устозим онам бўлгани ҳолда яна кўплаб мураббийларнинг ўрни бор. Чирчиқ шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Лемара Качарова, рус тили фанидан дарс берган Елена Шербатова каби унлаб жонқуяр устозларим борки, улар олдида ҳамisha таъзимдаман! Бугун жаҳоннинг энг етакчи давлатларидан бирида таҳсил олаётганимиз ҳам ҳарф танитган, илм берган устозларимизнинг сабр-матонати, меҳнати шарофатидир.

Байрам муносабати билан Президентимизнинг устозларга йўлланган табриқини жон қўлогимиз билан тингладик. Айниқса, буюк маърифатпарвар аждодларимиз — Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхон “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлангани барчамизни қувонтирди. Бу маърифатпарвар, зиели инсонлар ўта нозик ва қалтис замонда жонини таҳликага қўйиб бўлса-да, миллатни илм ўғранишга, жаҳон билан ҳамнафас бўлишга ундаганини барчамиз яхши биламиз. Ҳақиқатан ҳам, халқ фаровонлиги, унинг буюк келажаги фақат ва фақат юксак тарбияга, илм-маърифатга боғлиқ. Жаҳидларимиз, шубҳасиз, ана шундай юксак муқофотга лойиқ эди ва бу каби эътибор, эътироф натижасида ҳали юртимизда унлаб, юзлаб мунавварқорлар, беҳудудлар, авлонийлар етишиб чиқади. Биз шунга ишонамиз!



ИБРАТЛАНМОҚ ЗАМОНИ

ёки “Ибрат” фильми таассуротлари

ўз уйида кўшинч девор қурдириб, шўро қатағонидан асрашга муваффақ бўлган нодир китобларни топиш жараёнида бевосита қатнашган. Ибрат адабий-илмий асарларини чин муҳаббат ва юксак илму зако билан тадқиқ қилган. Бош маслаҳатчи сифатида айна шу олимнинг танланиши фильм муваффақиятининг асосий сабабларидан, дейиш мумкин.

Иккинчидан, фильм режиссураси кино санъатининг бугунги замонавий юксак талабларига тўлиқ жавоб беради. Исоҳқон Ибрат бўлган хорижий давлатлар, у мулоқотда бўлган турли миллатлар зиёлилари, у яшаган ва фаолият кўрсатган муҳит, интерьерлар лавҳаларнинг ўша давр руҳига ҳар жиҳатдан мувофиқлиги... Фильм режиссёри Жаҳонгир Қосимов бу ишга нафақат теран билим, балки чинакам ихлос ва муҳаббат билан ёндашгани аққол сезилади.

Учинчидан, Ибратнинг замонамиз ёшлари учун чин маънода ибрат бўла оладиган истеъдоди камровининг кенглиги, Ватан ва миллат тараққийси йўлидаги айрича фидойилиги ва шижоати фильмда ишонarli тасвирланган. Замондоши Иброҳим Даврон Исоҳқон тўранинг диний ва дунёвий илмларда қомил устод экани билан бутун Фарғона ва Ўрта Осиёда инкор этиб бўлмас даражада эътирофга сазовор бўлган ҳақида мана бундай ёзган эди: *“Исоҳқон тўра улуми динийда мударрисдор, фунуни дунявийда биллошубҳа архитектор, техник ва механик ва физика илмида тилифонист, тилиграфист ва химик десак яна оздур, чунки бу илмларни билур. Исоҳқон тўра олим ва фозил бир зоти олиб бўлуб, бу турфа фазоли инсонияга молик... Баъзи ихтирооти ҳам бордур”*.

Фильмда Исоҳқон тўранинг миллатга манфаати етиши мумкин бўлган барча илмларни пухта эгаллагани, ушбу соҳалар билан муносабат шугуллангани, маърифат тарғибини ҳаётий аъмол деб билгани жонли лавҳаларда акс этган. Тарихий (“Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”), илмий (“Жомеъ ул-хутут”, “Луғати ситтати айсина”) асарлар ёзгани, “усули савтия” мактаблари ташкил этиб, ўқитиш соҳасида катта самараларга эришгани, литографик машинани Оренбургдан Қўқонгача поездда, Қўқондан Тўрақўрғонгача туюда олиб келиб, “Матбааи Исоҳқия”ни ташкил қилиш, унда дарсқиллар ва қўланмалар, илмий рисоалар ва луғатлар чоп этириш жараёنлари таъсирли ва ишонarli ёритилган.

Тўртинчидан, бугун биз чет тилларни ўрганиш зарурати ҳақида кўп гапирамиз. Кўп тил биладиганларга ҳавас билан қараймиз, таҳсин айтаймиз. Бу борада Исоҳқон тўра Ибрат даражасига эришмоқ ҳар кимга ҳам насиб этмаслигини эса қўлда ўйлаб ўтirmаймиз. Иброҳим Даврон юқорида таъкидланган мақоласида бу улўғ мутафаккирининг турк, форс, ҳинд, рус тилларини билгани ҳақида ёзади. Ҳиндистонда экан, Ибрат инглиз тилини ҳам чўқур ўрганади. Мутафаккир тил билиш сафар аҳли учун, айнқиса, аҳамиятли эканига алоҳида уруғ беради. *“Саёҳат этдўғум вақтларида Афғонистон, Ҳиндистон ва Форсистон шаҳарлари саёҳатида... бир лисон сафар аҳлига юз олтун баробаринда ишлади”*, деган сўзлари бунни тасдиқлайди.

Замондошларининг эътирофича, Ибрат ўзи қайси бир фазилатга эришган бўлса, айна фазилатларини бошқа одамларда ҳам мукамал суратда кўрмоқ истаган. Ана шундай хайрли истак “Луғати ситтати айсина” (“Олти тилли луғат”) асарининг яратилишига сабаб бўлган. Наинки ўтган XX аср, ҳатто бугунги XXI юзйилликда ҳам уч-тўрт тилли луғатлар тузилгани маълум, бироқ олти тилли луғат яратилган эмас. Шу жиҳатдан, “Луғати ситтати айсина” — жаҳон луғатшунослиги тарихидаги ноёб ҳодиса. Мазкур луғат ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тиллари лексикаси асосида тузилган. Луғатни яратар экан, муаллиф мазкур тиллардаги ўша замон учун энг фан сўзларни танлаган. Натижада бу луғат миллати ёшларининг мазкур олти тилда оғзаки мулоқот учун энг зарур сўзларни ўрганишларига кенг имконият яратган. Ўзбек лексикографиясининг бугунги кундаги ривож учун ҳам зарур саналган ушбу луғатнинг яратилиши ва чоп этирилиши жараёни фильмда таъсирли лавҳаларда акс этган.

Бешинчидан, фильмнинг бир қанча ўринларида “Тарихи Фарғона” асари, бу нодир асарни шўролар қатағонидан асраб қолш билан боғлиқ фикрлар эса олинади. Ибрат тарихини ўрганиш, ундан сабоқ олиш, миллатнинг тараққиёти йўлида фойдаланиш нечоғли муҳим эканини наинки чўқур англади, бошқаларга англаштирда ҳам жидду жаҳд кўрсатди. Ўшдан аввалги тарих китобларида фақат хонларнинг урушлари, васф этилганини таъкидлаган аллома улардан қаноат ҳосил қилмайди. Машҳур “Тарихи Фарғона”нинг ёзилиши сабабларини изоҳлар экан: *“...мен бу тарихимда муболағига ошуруб мактаб ва ақлнинг қосасига сиймайдурган сўзларни олмай, баъзи хурофий сўзларни ёзмай, тўғри ва ақл қосасига сийаудурган сўзларни олдим ва ажнабий тарихлардан кўпроқ ёздим”*, дея таъкидлаши сабаби шунда.

“Тарихи Фарғона”да муаррихнинг миллий тилдаги қўлэмалар билан бир қаторда В.В.Радлов,


Адабиёт ва санъатга бўлган эътибор бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Президентимиз фармони билан халқимизнинг озодлиги ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидокорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга беқиёс ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов сингари адибларимизнинг “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирлангани бунинг яна бир исботидир.

В.В.Бартольд ва Ҳ.Вамбери асарларидан фойдалангани тарихий асарлар ёзишда бошқа халқлар олимларининг услублари ва ёндашув тамойилларини ҳам ўзлаштирганидан дарак беради. Натижада Ибрат тарих воқелигининг ҳаққоний тасвири орқали миллатнинг бир неча асрлик таназзули сабабларини илмий асосда ёритиб берган ва бундан қандай хулосалар чиқариш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Исоҳқон Ибрат географ олим сифатида “Тарихи Фарғона”да Фарғона водийси, ундаги шаҳар ва қишлоқларнинг муфассал географик тавсифномасини беради. Водийни ўраб турган қўшни давлатлар, тоғлар, ўлкадан оқиб ўтадиган дарёлар, иқлими, ҳавоси, ерлари, наботот ва ҳайвонот дунёси, аҳолисининг этник қатлами, ҳунармандчиликлари, экинлари, савдо-сотик ишлари, ерости қазилма бойликлари ҳақидаги энг муҳим маълумотларни ёритади. Ҳатто жой номларининг келиб чиқиши масаласига ҳам диққат қаратади.

Олтинчидан, фильмда ёзувлар тарихи бўйича нодир мутахассис сифатида олиб борган изланишлари Ибратнинг беқиёс илмий-ижодий салоҳиятига далил бўла олишига ҳам диққат қаратилган. Бу жиҳатдан унинг “Жомеъ ул-хутут” асари алоҳида аҳамиятга эга. Асарда қадимги пиктографик битиклардан иброний, сурёний ёзувларига, санскрит, қадимги финикий битикларидан юнон, лотин ёзувларига, ҳинд, арман, грузин ёзувларидан араб, уйғур ёзувларига — дунё халқларининг жами 41 хил ёзув тизими ҳақида маълумот берилган. Ўша даврда Туркистонда амалда бўлган араб хатининг сулс, таъкиъ, райҳоний, зулф, ҳумоюн, турра каби шакллари тўғрисида, ҳусниҳат санъати хусусида фикрлар билдирилган. Муаллиф араб хати ҳақида сўз юритиб, дастлаб кўфий ва насх ёзувлари жорий бўлиб, улардан сулс хати яратилганини, сулсдан таъкиъ, бу иккисидан настаълиқ хати юзага келганини аниқлайди. Настаълиқ 900-ҳижрийда эронлик Хўжа Мир Али Табризий томонидан ихтиро қилингани, бу хат Арабистонда жорий бўлганидан, ундан асосан Ҳиндистон, Туркистон ва Қошғар тарафларда истифода этилгани ҳақида ёзади.

Еттинчидан, фильмда Ибратнинг нечоғли мураккаб ва зиддиятли бир даврда яшагани, бир томондан, унинг таълим соҳасини ислоҳ этишга доир интилишларига тиш-тирноғи билан тўсиқ қўйишга



Таълим-тарбия соҳасида қутилган натижага эришмоқ учун, биринчи навбатда, миллатнинг онгу тафаккурини ўзгартирмоқ зарур эди. Ибрат ва бошқа маърифатпарварларимиз ўқиш-ўқитиш соҳасида жорий этган янгиликлар миллий мактаб-маориф тизими тараққиётида бурилиш ясади. Зиёлиларнинг янги авлодини етиштиришда муҳим роль ўйнади.

“Исоҳқон Ибрат мактабидаги дарслар “...кўп ҳолларда “Исоҳқия боғи”да махсус ҳаракатли ўйинлар тарзида ўтказилган. 1912 йилдан эътиборан худди шу мактабда алоҳида қизлар гуруҳини ташкил қилган ва бу гуруҳга Хусайн Мақаевнинг рафиқаси Фотиҳа Мақаевани ўқитувчи этиб тайинлаган.

интилган маҳаллий мутаассиблар, иккинчи томондан, халқимиз маърифатининг юксалишидан манфаатдор бўлмаган мустанлака маъмуриятнинг қаршиликларини энгши йўлидаги сабот ва матонати жонли ва ишонarli тасвирланган. Алломанинг ёшлик кезлари Фарҳод Маҳмудов, кексалик даври Саидқомил Умаров томонидан юксак маҳорат билан ижро этилган.

Ибрат яшаган даврда миллатни инқироз гирдобидан олиб чиқиш, дунёнинг мутараққий халқлари даражасига юксалтиришдек оғир ва мураккаб вазифа кун тартибда турар эди. Бунинг учун замонавий билимга эга, фикри очик, масъулиятни зиммасига ола биладиган янги авлодни етиштирмоқ зарур эди. Мактаб-маориф тизимини тубдан ислоҳ этиш орқалигина бунга эришмоқ мумкин эди. Исоҳқон Ибрат биринчилардан бўлиб катта шижоат билан янги усул мактаблари ташкил этиш ишига киришди. Ўқитиш тизимига “усули савтияни тасдиқий” методини олиб кирди. Ўз мактабини парта, стол-стул, янги китоблар, дарсқиллар, дафтар, қора тахта (доска), қуран арз (глобус) сингари замонавий ўқув ашёлари билан таъминлади. Миллий таълим тарихида янгилык ҳисобланган ҳафталик дарс жадвалини жорий қилди.

Исоҳқон Ибрат мактабидаги дарслар “...кўп ҳолларда “Исоҳқия боғи”да махсус ҳаракатли ўйинлар тарзида ўтказилган. 1912 йилдан эътиборан худди шу мактабда алоҳида қизлар гуруҳини ташкил қилган ва бу гуруҳга Хусайн Мақаевнинг рафиқаси Фотиҳа Мақаевани ўқитувчи этиб тайинлаган. Исоҳқон Ибрат замонасининг улўғ педагоги сифатида болаларни мактабдан бездирувчи, улларда муаллимга нисбатан ҳурмат эмас, нафрат уйғотувчи тан ҳазоига биринчилардан бўлиб қарши чиқди, у фақат мактабда эмас, оилада ҳам болаларни қалтаклаб тарбиялаш ута нотўғри усул эканини алоҳида таъкидлайди”.

Таълим-тарбия соҳасида қутилган натижага эришмоқ учун, биринчи навбатда, миллатнинг онгу тафаккурини ўзгартирмоқ зарур эди. Ибрат ва бошқа маърифатпарварларимиз ўқиш-ўқитиш соҳасида жорий этган янгиликлар миллий мактаб-маориф тизими тараққиётида бурилиш ясади. Зиёлиларнинг янги авлодини етиштиришда муҳим роль ўйнади.

Саккизинчидан, Исоҳқон Ибрат назари тийрак, дунёқараши кенг бир зиёли ўлароқ замонанинг қон томирини ушлаб, миллатнинг таназзул дарадига таъшиш қўя билди. Бу дарадни муложага этмоқ учун қаламни юрак қонига ботириб, “Мезон уз-замон” асарини яратди. Бинобарин, миллатнинг дардларига дармон бўлмоқни Исоҳқон Ибрат сингари маърифатпарварлардан ўрганмоғимиз зарур.

“Мезон уз-замон” асари адиб ижодий меросида алоҳида ўрин тутади. Асар номиёқ эътиборни тортади — “Замон тарозуси”. Бу асарида олим замона эврилишлари ва уларга миллатдошларининг муносабати масаласига диққат қаратади. Ўз таъбири билан айтганда, бу мезон ила ўз асрига баҳо беради. Чўнки “аввалги замон ва кейинги замонларни(нг) бўлак тарозуси бор”.

Муаллиф боб ўрнига “мезон” атамасини қўллайди. Бунинг замирида воқеликни идрок тарозисида тортиш, унга муносиб баҳо бериш мақсади мўжасам эканини сезиш мумкин. Ҳар бир мезонда мўайян масалалар таҳлил этилиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Адиб жузъий сўзлар устида ўринсиз мунозара қилиб юрган уламо ва фузалони Ватан ва миллат учун қуйинмоққа чақиради. Унинг фикрича, *“иттифоқ ва иттиҳод зарурлиги ҳеч кимни(не) андишасида... Худо амрида уламолардин амри маъруф, ағниёдин эҳсон, бинои хайру имдод, фуқаро ва умум ун-носдин ҳаракати касби илм”* лозим. Муаллиф фикрича, таассуфки, бизда бундай эмас: *“Уламо ва фузало ва авом ҳама нафс хизматидин бўшамай, дунё қилмоқ, иморат,*



ҳашам, манфаати нафсияларин мубталоси”. Ҳолбуки, адиб таъбирча, зиёлилар уммат ва миллатга хизмат қилмоқлари зарур эди.

Иккинчи мезон миллатни турли фирқаларга ажралишдан қайтариш, иттифоқ ва иттиҳодга қақриш мавзуга бағишланган. Бу мезонда адиб одамларнинг иттифоқ бўлиб яшашлари зарурати ҳақидаги оят ва ҳадислардан иқтибослар келтиради, уларни тафсир қилади, шарҳлайди. Замон воқеалари билан боғлаган ҳолда ўз муносабатини билдиради.

Учинчи мезон судҳўрлик, тижоратда хиёнат масалалари муолажасига бағишланган. Бу иллатлар асарда миллат таназзулининг асосий омили сифатида талқин этилган. *“...пахта тижоратиға ўрганган қишларда шаръати исломияға муҳолиф уч катта гуноҳ мўайидур... — деб ёзади адиб. — Биринчиси, парозуда кам олмақ. Иккинчиси, хиёнат. Учинчиси, пахта беролмаган қишға суммасига 55 тийиндан шпроф ҳисоб қиладурлар. Уламолар бўлса, бу хил ишлар хусусида амри бил-маъруфдан ҳифз қилиб, дам урмастар. Машойишлар бўлса, ўз машаити жоғ ва ҳашамларига овеора бўлуб, жамъи молу мулка банддурлар”*.

Тўртинчи мезонда илм, бадавият ва тафаккур ҳақида, авлод тарбияси ва усули савтия мактабларининг миллат ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида фикр юритилган. Бешинчи мезонда халқимизнинг аввалги ҳаракатлари ва янги замондаги ишлари хусусида баҳс қилинган. *“Асримиз илму ҳунар, ҳаракат асридур... — деб ёзади адиб, — турмоқ асри эмас. Ғофил турса, ғафлат уйқусидан турғунча, бозори олам ўтуб кетадур. Урганмоқ даркор. Эътибор қилинлар, эътибор қилинлар”*.

Олтинчи мезон бидъат ва ортиқча сарф-харажатларга ружу қўйиш, фикрсизлик иллатларининг муолажаси хусусида. Еттинчи ва саккизинчи мезонлар либос борасидаги мунозаралар ҳақида, одамга эмас, либосга ихлос қўйишнинг, дунёпарастликнинг салбий оқибатлари тўғрисида. Тўққизинчи мезонда ўтмиш ва замон воқеалари мўқоса қилинади. Мухим хулосалар чиқарилади. “Ибрат” фильмида улўғ маърифатпарварнинг ана шу фазилатлари тўлақонли акс этгани, айнқиса, эътиборга молиқдир.

Агар қарчи қажрафтор Ватанимиз ва миллатимиз фойдаси тарафига айланганда, шўролар тузумининг қаттол қатагон машинаси миллат зиёлиларининг гулларини ўз гирдобига тортаганда эди, маърифатпарвар жадидлар, шу жумладан, Исоҳқон Ибрат орзу қилган юксак таракқиёт даражасига бундан юз йил аввал эришмоғимиз мумкин бўларди. Таассуфки, машъум 1937 йилда бутун вужудидан, руҳиятидан маърифат нури таралиб турган 75 ёшли Ибрат “қора машина” тўла китоблари билан бирга олиб кетилди, “миллатлар турмаси”нинг қурбонига айланди.

Фильмда бениҳоя таъсирли бир лавҳа бор: терговчи Мирҳодиев ёрдамчисига Исоҳқон Ибратнинг уйдан олиб келинган китобларни унинг кўз ўнгига оловга ёқтириб, қой қайнаттиради ва бундан ҳузур туяди. Шунда Ибрат немис адиби Генрих Гейненинг мана бу сўзларини келтиради: *“Бугун китобларини ёққан миллат эртага, шубҳасиз, одамларини ҳам ёқади”*. Бу сўзлардан қарчи қаттиқ терговчи ҳам титраб кетади ва ёрдамчисига бу юмушдан тўхташ ҳақида буйруқ беради.

Умуман, фильмдаги ҳар бир лавҳа, ҳар бир тасвир, ҳар бир диалог пухта илмий ва ҳаётий асосларга эга экани билан томошабинда чўқур таассурот қолдиради. Тарихни ана шундай юқори савияли бадий фильмлар шаклида авлодлар онги ва қалбига синдириш, шубҳасиз, қутилган самарани беради. Интеллектуал-маърифий даражаси юқори, тарихдан ибрат ола биладиган, чинакам ватанпарвар ёшларни тарбиялашга хизмат қиладиган бундай фильмлар яратиш борасидаги изланишларни кенгайтириш замон тақозосидир.

Шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, Исоҳқон тўра Ибратнинг беназир адабий-илмий мероси бундан кейин ҳам илм ва зако, ғайрат ва шижоат, маърифат ва зиё йўлидаги интилишларида миллат ёшларига қанот бағишлайди. Ватан ва миллатга муҳаббат, фидойилик ва маърифат бобида асрлар давомида барча-барчага ибрат бўлиб қолаверади. Ана шу эзгу ва савобли ишда “Ибрат” фильми катта аҳамиятга эга бўлишига ишонамиз.